



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 12-noyabr, seshanba № 137 (3330)

■ Раёсат йиғилиши

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди. Йиғилишда кун тартибдаги биринчи масала — Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 2013 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолиятига батафсил тўхталиб ўтилди.

Меҳнаткашлар манфаатлари таъминланяпти

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари-га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, Федерация Кенгаши томонидан белгилаб олинган фаолиятнинг 12 та устувор йўналиши доирасида ўтган даврда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамаларида иштирок этилиб, тақлиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан 10 га яқин қонун, 20 га яқин меъёрий ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилиб, улар юзасидан тақлиф ва хулосалар тақдим этилди. 141 та ҳужжалик шартномасининг қонунийлиги ўрганилди, меҳнат муҳофазаси бўйича 22 та меъёрий ҳужжат, жумладан, меҳнат муҳофазаси бўйича 16 та қондалар лойиҳалари кўриб чиқилди ва келишилди.

маси ҳаракатининг асоси» шiori остида бошланғич ташкилотлар ётақчиларининг I Республика Форуми ўтказилиб, унда турли соҳалар бўйича корхона ва ташкилотлардаги 86 нафар касба уюшма фаоли иштирок этди.

Истиқлолимизнинг 22 йиллиги муносабати билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ишларида, халқнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш жараёнида, кенг қўламдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва касба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган 31 нафар касба уюшма ходимлари ва фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг «Ehtigom nishoni» билан тақдирланди.

Нодавлат секторга мансуб 3 минг 875 та корхона ва ташкилотда янги бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари тузилиб, 61 минг нафардан орტიқ ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди ва бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тегишлича 211,5 ва 152,3 фоизни ташкил этди. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида «Касба уюшмаларига жалб этилган корхона ва ташкилотларда касба уюшма ташкилотларини тузиш орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013-2014 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури» тасдиқланди ва ижрога киритилди.

Федерация Кенгаши Ўқув марказида 731 нафар касба уюшма ташкилотлари кадрлари ва фаоллари ўқитилиши баробарида тасарруфдаги Даволаш-профилактика марказида тиббий кўриқдан ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Федерация Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йилларга мўлжалланган янги Бош келишув лойиҳаси ишлан келишилгани ва Савдо-саноат палатаси билан чиқирилиб, айнаи дамда ушбу лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тайёрланаётгани айтиб ўтилди. (Давоми 2-саҳифада).

■ 2013 йил — Обод турмуш йили



Эл саломатлиги фидойилари

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳар йили ноябр ойининг иккинчи яқшанбада мамлакатимизда шифокорлар байрами сифатида кенг нишонланади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ушбу санага бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган маъ-

кур тадбирга тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар тақлиф этилди. (Давоми 2-саҳифада).

■ Янги анъана!

Мирзобод тумани «Тошкент» маҳалласида яшовчи Нарзиқул ва Робия Жўраеваларнинг фарзандлари — Жамшидхон ва Зилоланиннг яқинида бўлиб ўтган никоҳ тўйлари нафақат маҳалла, балки бутун вилоятда «дуядув» гап бўлди. Сабаби, келин-куёвга яқинлари бир дунё китоб совға қилишди.

«Келин бўлай, китоб тўла сеп билан...»

— Янги оила кураётган ёшларимизга оила илмини, эрхотин, қайнона-қайнота, қариндошлик, фарзанд тарбияси, кўшниччилик муносабатлари, рўзгор тутуш илмига оид, шунингдек, бадиий адабиётларнинг совға қилиниши фақат фойда келтиради, деб ўйлайман. Биз маҳалламизда «Китоб

— келин сарпоси безаги» шiori билан янги анъанани шакллантирдик. Энди ҳар бир кизнинг сарпосида 30-40 талаб китоб сеп қилиб бериляпти, — дейди Мирзобод туман «Тошкент» маҳалласи фуқароларнинг совға қилиниши фақат фойда келтиради, деб ўйлайман. Биз маҳалламизда «Китоб

Зулфия Қорабоева. — Биз бу ҳаракатларимиз билан оилавий кутубхоналарни шакллантириш ниятидамыз. Талабалар вақтларимиз китоб харид қилганимизда:

— Бу менинг сарпомни безайди, ҳали, — дея ҳазил қилиб қулишар эдик. Ниятлар ижобат топадиган кўринади. Бошланган бу яхши амал буйиқ бўлиб, намуна бўлаверсин. Қизларимиз сепларини китоблар безасин! Озода МАМАДАЛIEВА, «Ishonch» мухбири

Наманганда Ўзбекистон Нодавлат ноτιжкорат ташкилотлари миллий форумининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа бир қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ва уларнинг худудий бўлинмалари ташаббуси билан ташкил этилди.

Хамкорлик

Форум доирасида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТларнинг имкониятларидан янада самарали фойдаланишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари «ННТларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб вазифаларини ҳал қилиш жараёнидаги иштирокини кучайтириш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари тадбирлари дастури» лойиҳасига тақлиф ва тавсияларини билдирдилар. Форум жараёнида ННТларнинг давлат органлари ва бизнес тизимлари билан ҳамкорлик муамраларини имзоланди.

«Туркистон-пресс»

БУХОРО

Вобекет ва Шофирқон туманларини боғлаб турадиган автомобиль йўлининг 6 километрдан орტიқроқ масофаси анчадан бунён носозлиги туғайли хайдовчи ва йўловчиларга ноқулайлик туғдириб келаётганли. Ниҳоят, муаммага ечим топилди.

Равон йўллар

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан мазкур объектни мукамил таъмирлаш учун 9 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилди. Бунёдкорлик ишини амалга оширишни зиммасига олган «Навий сув қурилиш» очик акциядорлик жамиятига қарашли 3-кўча механизациялаштирилган шўба корхонаси йўлсозлик вақтини ганимат билиб, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Утган бир ой мобайнида «Бухоро-Ғиждувон» автомагистралига келиб туташувчи 2 километрлик масофада йўлнинг эни 19,6 метрга кенгайтирилиб, шағал ётқизилди. Объектни белгиланган муддатларда юқори сифат билан фойдаланишга топишириш учун махсус техника воситаларидан унумли фойдаланилмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

■ «Ободлик — кўнгилдан бошланади» республика танловига

Қаерда иш тўғри йўлга қўйилган бўлса, авваламбор ютуқларда намоён бўлади, эътироф этилади. Акрам Ҳамроевнинг 3300 нафардан зиёд ходим меҳнат қиладиган Муборак газни қайта ишлаш заводи унитар шўба корхонасида касба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлаётганига тўққиз йилдан ошди. Кўп сонли ходим меҳнат қиладиган, Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланган мазкур заводда жамоа, халқ вакили бўлиш осон эмас. Бироқ Акрам аканнинг ўз ишлаш принципи бор: касба уюшма қўмитасига бўлган ҳар бир муружатни қонуни доирасида тез фурсатда ҳал этишга ҳаракат қилади. Ҳамкасби оғирини енгил қилсагина ўзи енгил тин олади...

мукофот бутун завод жамоасига берилган эътибор ва эҳтиром намунаси деб биламан.

ЭЪТИРОФЛАР КЕТМА-КЕТЛИГИ

Ишлаб чиқаришда соғлом, хавф-хатарсиз меҳнат шартноларини яратиш ҳар бир корхона маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси олдига турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. «Муборак

«Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танлови яқунларига кўра, корхонамиз республикада учинчи ўринни қўлга киритгани бутун жамоани беҳад қувонтирди, — деди «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонаси директори Ҳасан Иноқов. — Бутунжаҳон меҳнат кунига бағишланган

ташкил этилган бўлиб, ходимларнинг барчаси олий маълумотли муҳандислардир. Бу йўналишда алоҳида ўқув синфхонаси ташкил этилган бўлиб, ишчиларни ўқитиш ва билимларини синнаш жараёнида замонавий компьютер ҳамда техника жиҳозларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, телевизор, ДВД-плеер, эс-латма-плакатлар, ўқув қўлланмалари ва соҳага оид норматив-техник ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ жиҳозланган. Шунингдек, барча цех ва бўлинмаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаклари ташкил қилинган. Ишчи-хизматчилар махсус кийим, пойабзал, шахсий ҳимоя, ювиниш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминланган. Уларга сут ва бошқа даволаш-профилактика озик-овқатлари бепул тарқатилади. Ходимларнинг меҳнат шартноларини яхшилаш учун кийиниш ва ювиниш ҳамда бошқа гигиеник хоналар замонавий талабларга мос равишда таъмирдан чиққан. (Давоми 3-саҳифада).

■ Касба уюшма тадбирлари

Республикамизда ҳар йили анъанавий тарзда нишонланадиган Тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан бир қатор байрам тадбирлари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Обод турмуш йили» дастури ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти», «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти врач», «Энг яхши ҳамшира», «Энг яхши тез ёрдам врач» кўрик-танловлари ўтказилди ва номинантларига Марказий кенгаш томонидан битта компьютер, 12 та телевизор, 8 та микрогўлқили печ топирилди.

Байрам тўғриси

Шунингдек, тиббиёт соҳасидаги ислохотларда фаол иштирок этаётган, ўз меҳнати билан халқнинг ҳурматида сазовор бўлаётган 70 нафар тиббиёт ходими ҳамда 280 нафар фидойи соғлиқни сақлаш ходимлари Марказий кенгашнинг Фахрий ёрлиғи ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Қибрай туманида жойлашган «Умид гулшани» санаторийида тиббиёт муассасаларининг 60 нафар ходимини байрам тўғриси сифатида бепул соғломлаштиришни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан соғломлаштириш даврида дам олувчилар учун турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари уюштирилмоқда. Дам олувчилар «Истиклол» санъат саройидаги концерт, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри спектакли, Ўзбек давлат циркида ўтадиган «Авалло, ўзингиз соғ бўлинг!» деб номланган концерт дастуридан баҳраманд бўладилар, шунингдек, Қатагон қурбонлари хотираси музейига ташириқ буюрадилар. Марказий кенгаш соврини учун дам олувчилар ўртасида шахмат, шашка ва теннис мусобақаларини ташкил этиш ҳамда Республика Маънавий тарғибот ва Репродуктив саломатлик марказлари масъул ходимлари билан давра суҳбати ўтказиш ҳам дастурдан ўрин олган.

Маҳмуда МУРЗАЕВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси

Саодатманд етакчи

Узоқ йиллик ҳалол меҳнат, тўпланган тажриба, ходимлар манфаати йўлидаги фидойилиги туфайли республика мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган Акрам Ҳамроевга орадан икки йил ўтиб, ЎзКУФКнинг мукофоти — «Ehtigom nishoni» берилди.

— Уша куни корхонада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги нишонланаётганли, — ҳикоя қилади қахрамонимиз. — Кўнғироқ қилиб, Федерация Кенгаши қарори билан «Ehtigom nishoni» берилганини айтиб қўлишди. Ишонсангиз, ҳатто номзодим Федерацияга тақдим этилганини ҳам билмасдим. Хушхабардан жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, мукофотнинг топириш маросими бир умрга ёдидан чиқмай-диган бўлди. Қолаверса, бу

газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонасида бу борада сезиларли ишлар амалга ошириляётгани сарҳисоб чоғида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан эътироф этилди.

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида иштирок этиб, кўрик-танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида қатнашдим. Албатта, ютуқларнинг юқори ташкилотлар томонидан эътироф этилиши, рағбатлантирилиши ҳар биримизни ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди, руҳлантиради. Корхонамизда меҳнатни муҳофаза қилиш учун беш кишидан иборат «меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўтган даврда ижтимоий шериклини ривожлантириш юзасидан аъзо ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатилиб, Федерация Кенгашининг эксперт комиссияси томонидан 18 та тармоқ ва 3 та ҳудудий келишув, Марказий кенгашлар ва ҳудудий бирлашмалар аппаратларининг 4 та жамоа шартномаси лойиҳаси экспертиза қилинди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан К.Аденауэр жағмагаси билан ҳамкорликда Тошкент, Қарши, Наманган ва Жиззах шаҳарларида «Омбудсман ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳаракати: жамоатчилик назоратини ўрнатишда миллий ва чет эл тажрибаси» мавзуда ўтказилган туркум семинарларда иштирок этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази каби ташкилотлар, республиканинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига масул вакиллари иштирокида Бутунжаҳон меҳнати муҳофаза қилиш кунига бағишланган «Ходимларга ҳавфсиз ва соғлом меҳнат шaroитлари яратилишида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛи-ДеП фракцияси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ҳудудларда ташкил этилган «Оилавий корхона — мустақам оила пилдевори» мавзусидаги давра суҳбатларида иштирок этилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва тadbиркорлини қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига бinoан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторинги доирасида 2 минг 986 та корхона ва ташкилотда 27 минг 771 та иш ўрни иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, БМТ Тараққиёт Дастурининг «Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси билан ҳамкорликда давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида «Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг шакллари тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Эътиборли томони, жорий йилнинг ўтган даврида касба уюмлари томонидан 203 та янги иш ўрни яратилди.

Иш ҳақининг тўланиши бўйича олиб бoриладиган сaъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бeраётир.

Ҳуқуқий ҳимоя меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётир. Ўзбекистон касба уюмлари Федерациясига ҳисобот даврида фуқаролардан 9446 та, жумладан, 3635 та ёзма, 3983 та озаки, 1811 та «Ишонч телефонлари» ва 17 та интернет тармоғи орқали мурожаатлар тушди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Ходимлар ҳуқуқини тиклаш мақсадида судларга киритилган 54 та даъвонинг 38 таси қаноатлантирилди, 9 таси иш юритилди. 735 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, 5 млрд. 943 млн. 188 минг сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ундирилиши таъминланди.

Касб-ҳunar коллежларини 2012-2013 ўқув йилида таомиланган ёшларга касба уюшма маблаглари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш тақсимотига асосан 20 минг 877 нафар битирувчига амалиёт ўтатиш даврида коллежларни битириб ишга жойлашган ёшларнинг 2 минг 414 нафарига энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда — жами 426 млн. 953 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 501 минг 148 нафар битирувчининг ишлаб чиқариш амалиятини ўтатиш ва уч томонлама шартномалар билан қамраб олинишида кўмаклашилди.

Яна бир эътиборли томони, жорий йил май ойида «Еш мутахассислар I Республика Форуми» ўтказилиб, унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, иқтисодий талаба-ёшлар, коллежлар битирувчилари, ёш мутахассислар, олим ва тadbиркорлар иштирок этди. Тадбирда ёш мутахассисларнинг инновацион ишланмалари кўргазмаси ташкил этилди.

Республика миқёсида «Саховат» ва «Муруват» уйлари ёшлар эътиборида» акцияси ўтказилиб, 500 нафардан зиёд ёшлар ҳудудлар

бўйлаб 14 та «Саховат» ва «Муруват» уйларида ободонлаштириш ишларини амалга оширилди. 2 минг 155 нафар кекса кишилар ҳолидан хабар олиниб, улар учун маданий-маърифий тadbирлар ташкил этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнатқашларга етказиш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари»ни ўтказиш бўйича Намунавий дастур тасдиқланган. Аҳамиятлиси, ҳар ойда 28 мингга яқин бошланғич ташкилотда ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да 3 млн. нафардан ортиқ ишчи-ходим иштирок этаяпти.

Касба уюмлари томонидан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий хизматни ўтатиш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизмат

ли дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам қайд этилди.

Сўнгги йилларда тизимда халқаро солиқларни ривожлантириш борасида илғор кишилар кузатиляпти. Жумладан, жорий йил август ойида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Ижтимоий шериклик барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини таъминлашнинг омил сифатида: Ўзбекистон тажрибаси ва янада ривожлантириш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, унинг аҳамияти ва механизмлари, ушбу йўналишда

Меҳнатқашлар манфаатлари таъминланяпти

чилар фарзандлари, Иккинчи жаҳон уруши, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар қатнашчиларига қарийб 15 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳарбий қисмларга 11,3 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами ва эсдалик совгалари топширилди.

Шунингдек, Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган илгор ва фаол хотин-қизлар 485,5 млн. сўмлик эсдалик совгалари билан рағбатлантирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, хусусан, боқувчисини йўқотган, ногирон, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар ҳолидан хабар олиниб, 203,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Наврўз байрами арафасида 23 минг 156 нафар эҳтиёманд оилалар вакиллари 820,3 млн. сўмлик моддий кўмак, «Меҳрибонлик», «Муруват» ва «Саховат» уйлари 37,7 млн. сўмлик ҳомийликдан баҳраманд бўлдилар.

Хотира ва қадрлар кунига бағишлаб касба уюмларининг «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акцияси ўтказилиб, унинг доирасида 919 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг тарихий шахар ва зияратгоҳларга саёҳатлари ташкил этилди. Улардан 1 минг 721 нафарига байрам совгалари берилиб, 320 нафарининг байрам концертларига ташрифи уюштирилди. «Саховат», «Муруват» уйларида, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатларида истиқомат қилаётган қариялар, ногирон ҳамда ёлғизлар ҳолидан хабар олинди. «Касба уюмлари — фахрийларга» акцияси доирасида эса 4 минг 886 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчисига Федерация Кенгаши томонидан 200 минг сўмдан манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан «Касба уюмлари» — болаларга» акцияси доирасида «Меҳрибонлик» уйлари, «Болалар шахарчаси», «SOS — Болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари, ота-онасиз ва ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 18 минг 84 нафарининг Ҳайвонот, Ботаника ҳамда Маданият ва истироҳат боғлари, кўрғичқоч театри, цирк, музей, тарихий обидалар, сузиш ҳавзаси ҳамда хайрия концертларига бeпул ташрифи ташкил этилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 6 минг 384 нафар фарзандига байрам совгалари, ўқув куроллари, спорт жиҳозлари, китоблар, болалар оромгоҳларига бeпул йўланмалар берилди. «Меҳрибонлик» уйлари ва мактаб-интернатларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Федерация Кенгаши тизимидаги санаторийларда 78,2 минг нафардан зиёд аҳоли вакиллари соғломлаштирилди ва дам олдирилди. Тизимдаги «Оқтош», «Зомин», «Чортоқ», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Косонсой», «Умид гулшани» санаторийларида қурилиш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, қўшимча бинолар барпо этиш, шунингдек, Жиззах вилоятида янги «Ховот» санаторийсини ташкил этиш учун 14 млрд. 980,5 млн. сўм йўналтирилди. Аксарият санаторийлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Йиғилишда ёз мавсумида болаларни мароқ-

ли дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам қайд этилди.

Ўзбекистон ва чет эл тажрибасига эътибор қаратилди ҳамда тегишли тавсиялар қабул қилинди. Шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан ҳамкорликда жорий йилнинг сентябр ойида «Зомин» санаторийсида «Санатор-курорт тизимида соғломлаштириш ва тиббий туризм хизмат сифатини ривожлантиришга бағишланган долзарб масалалар» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди. Унда республикадаги тиббий муассасаларнинг малакали мутахассислари ҳамда туристик фирмалар вакиллари билан бир қаторда, Хитой, Корея, Россия, Хиндистон, Озарбайжон, Қозоғистон давлатларидан ҳам мутахассислар иштирок этишди.

Қозғоғистон касба уюмлари Федерациясининг тақлифига бinoан, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Федерация Кенгаши вакиллари Остона шаҳрида бўлиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Федерация Кенгаши Раёсати йиғилишида касба уюшма тизимида амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш борасида олиб бoриладиган ишлар қайд этилди.

Хусусан, Федерация Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий порталнинг тақомиллаштирилган лойиҳаси ишлаб чиқилиб, «Бeпул ҳуқуқий маслаҳат», «Касба уюшма акциялари», «Касба уюшмасига қандай аъзо бўлинадими?», «Касба уюшмаси ташкилоти қандай тuzилади?», «Касба уюшмаси фаолига ёрдам», «Касба уюшмаси ёрдам берди» блоклари яратилгани таъкидланди. «Фуқаролар мурожаатлари», «Жамоа шартномалари макетлари», «Санатор соғломлаштириш», «Болаларни соғломлаштириш», «Касба уюшмаси меҳмонхоналари», «Касба-сайр» интерактив хизматлари жорий этилганга эътибор қаратилди. Утган даврда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 3 марта матбуот анжумани ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касба уюмлари тизимидаги ташкилотлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига қарийб 6,1 млрд. сўмлик сервис ва пулли хизматлар кўрсатилгани эътироф этилди. Шу мақсадда Федерация Кенгаши тасарруфидagi «Nodir Samarqand» унитар корхонаси меҳмонхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, дам олувчиларга қулай шарт-шaroит яратиш учун 156,9 млн. сўм йўналтирилди. Хоразм вилояти Хива шаҳрида 30 ўринли янги меҳмонхона қуриш ишларига киришилди.

Йиғилиш кун тартибидан яна бир масала: Ўзбекистон касба уюмлари Федерациясини тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш бўйича Дастур ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар иштирокида эътиборга ҳавола этилди. Чунончи, жорий йил Ўзбекистон касба уюмлари Федерациясини тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб

эълон қилиниши бошланғичлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этди.

Шу йил март ойида бўлиб ўтган бошланғич касба уюшма ташкилотлари етaқчиларининг I Республика форумида бошланғич ташкилотларнинг корхона, ташкилотларда тутган ўрни ва мавқеини янада оширишга қаратилган «Тизимдаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш бўйича Дастур» қабул қилинди.

Ўтган даврда Федерация Кенгаши, аъзо ташкилотлар, соҳа бўйича Республика бирлашган касба уюшма қўмиталари, касба уюмлари туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар томонидан мазкур дастур ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, мунтазам равишда ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари, соғлиги ва моддий аҳоли мониторингини йўлга қўйиш, жамоа шартномалари орқали корхона, ташкилотларда

кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари кучайтирилди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномалари орқали ижтимоий кўмак берилган фуқаролар ва оилалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124 фоизга, бу мақсадларга сарфланган маблаг миқдори эса 254 фоизга ортиди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш соҳасидаги ишларда касба уюмлари иштироки кучайиб бoрмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида янги иш ўринлари ҳақиқатда яратилганлиги ўрганилган корхоналар сони ўтган йилга нисбатан 1290 тага, иш ўринлари 10259 тага кўпайди.

Аъзолар мурожаатларининг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб қилиниши, ижобий ҳал этилишини таъминлашга эътибор қўйилди.

Аҳолининг касба уюмлари тизимидаги «Ишонч телефонлари»дан хабардорлигини оширишда олиб бoрилган ишлар ўз натижасини бeрмоқда. Утган йилда «Ишонч телефонлари»га 1994 та мурожаат тушган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 1811 та мурожаат қайд этилган. Улар мазмуни ҳам ўзгариб бoрмоқда.

Шунингдек, ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш профилактикаси масаласи амалиётга тобора кенг жорий этиляпти.

Аъзоларнинг касба уюмлари тизимидаги аттестациядан ўтказиш ва меҳнат шaroитларини паспортлаштиришга эътибор кучайтирилмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида жами 2389 тадан ортиқ меҳнат шaroити нуқулга ва зарарли иш жойлари шаҳодатдан ўтказилди. Қашқадарё вилоятида Ёқилга-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси, Алоқа ҳамда Агроекономика мажмуи тизимидаги йирик ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида иш ўринлари аттестациядан ўтказилиб, меҳнат шaroитлари паспортлаштирилди.

Меҳнатқашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида 15 минг 228 та бошланғич ташкилотда «Спорт — саломатлик гарови» шoри остида мусобақалар ташкил қилиниб, 609 минг нафар аъзо иштирок этди. Корхоналар мусобақалар, турнирларни ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, Федерация Кенгаши томонидан корхоналарда саломатлик гимнастикасини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Биргача тармоқларга мансуб бошланғич ташкилотларда «Санъатини сенга, обод юртим» кўрик-танловни ташкил қилиниб, уларда 135 мингдан зиёд ишчи-ходим — бадий ҳаваскорлар иштироки таъминланди. Танловнинг рес-

публика босқичи «Туркистон» санъат саройида «Қадр-қimmatим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шoри остида ўтказилди.

Бошланғич ташкилотлар, ўрта бугин касба уюмлари органларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида амалда бўлган 17 та меъёрий ҳужжат Федерация Кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш, ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 1-3 май кунлари касба уюмлари фаолиятини намунали йўлга қўйилиши белгиланган 14 та туманда 2000 нафарга яқин бошланғич ташкилотлар раислари иштирокида амалий семинарлар ташкил этилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига доир қарорлар қабул қилишда касба уюмлари иштирокини таъминлаш мақсадида 3462 та йирик бошланғич ташкилот раислари корхона, ташкилот, муассасаларнинг бошқарув органлари, ҳайъат ёки комиссиялари таркибига киритилди. Касба уюмлари Марказий кенгашлари томонидан жорий йилнинг май-сентябр ойлари давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 1681 та бошланғич ташкилотга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, йиғилишда Федерация Кенгаши тасарруфидagi Ўқув марказида касба уюмлари ташкилотлари кадрлари ва фаолларининг малакасини ошириш ҳамда ўқитишга алоҳида эътибор қаратилганлиги айтиб ўтилди.

Жорий йилнинг 13-27 август кунлари ҳудудларда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари яқунларида таъминланган тadbирлар ташкил қилиниб, уларга жойлардаги 1700 га яқин касбақўм жалб қилиниб, тажриба алмашиш имконияти яратилди.

Йиғилишда «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида Федерациясини Кенгаши томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилди.

Дастурда белгилангандек, мамлакатда барқарорлик ва оёсайишаликни, ҳавфсизлик, фуқаролар ва миллатларнинг тотувлигини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари муҳофазасини, жамият фаровонлиги ва тараққиёти ички ўсишини таъминлашда касба уюмлари бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга фаол иштирок этаяпти.

Янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, Федерация тизимидаги ташкилотлар томонидан 203 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали иш бeрувчи ва касба уюмлари маблаглари ҳисобидан 15 224 нафар фуқаро ва 116 625 та оиллага 63 млрд. 687 млн. 312 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, 10 та ҳудудий ва 6 та тармоқ касба уюмлари ташкилотлари томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида тахсил олаётган 209 нафар кам таъминланган, иқтисодий талабаларга касба уюмлари стипендияси тўлиқ этилиб ва ҳисобот даврида 74 млн. 200 минг сўм эгаларига топширилди.

Касба уюшма ташкилотларининг аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган 9 ойида касба уюмлари тизимидаги соғломлаштириш муассасаларида 1 минг 33 нафар фермер, 609 нафар кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликда банд бўлган ҳодим имтиёзли, кам таъминланган оилалардан 344 нафар аёл бeпул соғломлаштирилди. 112 та ёш оиллага 224 та имтиёзли йўланма берилди, 2 минг 699 нафар она ва бола соғломлаштирилди, 152 нафар тиббиёт ходими бeпул саломатлигини тиклади.

Шунингдек, йиғилишда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги ишларда муносиб иштирок этилгани таъкидланди.

«Болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумининг яқуни тўғрисида»ги масала ҳам Раёсат аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Кизгин давом этган Раёсат йиғилишида касба уюмлари фаолиятига оид яна бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Кун тартибидagi ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Эл саломатлиги фридойилари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Тиббиёт тизимини ислох этишга оид бир юз элликка яқин қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилиниб, уларда белгиланган чора-тadbирлар амалиётга изчил жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Қарори халқимизга қўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада юксалтиришда муҳим дастурлаш бўлаётир.

Изчиллик билан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар самарасида халқимизга жаҳон андазалари даражасида бирламчи тиббий-профилактика, шoшилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда.

«Соғлом она — соғлом бола» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида хотин-қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳомиладор аёлларни поливитаминлар билан таъминлаш, она-бола скрининг хизматини ривожлантириш, неонатал ва перинатал ёрдамни самарали ташкил этиш, оилда тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли реконструкция ва қурилиш ишлари тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва соҳада жаҳон тиббиётининг янги технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Обод турмуш йилида жойларда бир юз қирқ олтита тиббиёт муассасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Мазкур тад-



бирлар халқимизнинг тиббий хизматдан баҳрамандлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ўз самараларини бeраётир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган бундай юксак ютуқлар халқро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини ташкил қилишнинг оналлик ва болаликни муҳофазалашга оид миллий модели

ҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада ортирилган илгор тажрибани оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт врачис», «Энг яхши патронаж ҳамшираси» каби номинациялар бўйича ўтказиб келинаётган аънавановий танлов шундай лойиҳалардан.

Тadbирда ушбу танловнинг 2013 йилдаги ғолиблари эълон қилинди.

Навоий вилояти Навбахор туманидаги «Жамбул» кишлоқ врачлик пункти «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва «Damas» автомашинаси билан тақдирланди.

Марғилон шаҳридаги I-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Сирдарё вилояти Бобўт тумани I-Бобўт 2-булим кишлоқ врачлик

пункти мудир Гулчехра Назарова «Энг яхши умумий амалиёт врачис», Наманган вилояти Чуст туманидаги

Муносабат

Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсақ, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида...

Ислом КАРИМОВ

Музей — маърифий маскан эътибор ҳам шунга яраша бўлиши керак



Ўтмиш билан юзлашган

Охириги марта қачон музейга борганингизни эслай оласизми? Афсусли, бу саволга ҳамма ҳам бирдек ижобий жавоб бера олмайди.

Сизга бир сирни очамиз: ҳар қандай экспонатни қалб-бингиз билан ёлғиз томоша қилгандаги ҳиссиётни ҳеч қардан топа олмайсиз.

Истиклол йилларида моддий ва маънавий меросимизни ўзида муҳассам этган музейларни тубдан ислоҳ этиш, тақомиллаштириш, уларнинг

халқимиз маънавий-ахлоқий қамолотида тугган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келадиган бой тарихимиз, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб экспонатларни авайлаб-асраш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

этишда беқийс аҳамият касб этди ва соҳада юксак ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди.

Шу асосда эскирган музейлар мукамал таъмирланиб, янгилари барпо этилди. Хусусан, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Темирийлар тари-

хи Давлат музейи, Олимпия шон-шухрати музейи, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи, Термиз Археология музейи, Хивадаги Маъмур академияси тарихи музейи, Самарқанд шаҳрида Мирзо Улугбек музейи фикримиз далилидир.

Зеро, тарихга эҳтиёж, аждодларимизнинг ўтмишдаги ҳаётига қизиқиш марказдаги-на эмас, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам табиий эҳтиёжлар сирасига кириб улгурди.

Тарихингдир минг асрлар...

Наманган вилоятидаги тарихий ёдгорликларнинг илмий қиймати кенг жамоатчилик томонидан аллақачон эътироф этиб бўлинган. Айниқса, Тўрақўрғон туманида Ахсиқент ва Ахси, Поп туманида Мунчоктепа, Чуст туманида Буонамозор, Косоний туманида Мугтепа, Учқўрғон ва Норин туманларида Кайвонот ва Эйлотон, Чортоқ туманида қадимий ирригация қурилмалари — коризлар муҳим археологик ёдгорликлар сифатида катта илмий қийматга эга.

(Давоми 4-саҳифада).

ДИКҚАТ, ТАНЛОВ! «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамиятининг шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2013 йилнинг 1 январидан

2013 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахси ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото-материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси,

исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзудаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2013 йил 5 декабригача қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz, fonduz@gmail.uz.

«Жамият ва мен — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

лантриришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги 10 та номинациялар бўйича ўтказилади:

- «Юксак маънавий жамият пойдевори» мавзудаги энг яхши материал;
- «Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида»;
- «Соғлом ёшлар» — келажак пойдевори» мавзудаги энг яхши материал;
- «Фермерлик — имконият ва истиқболлар» мавзудаги энг яхши материал;
- «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;
- «Соғлом она — соғлом бола» мавзудаги энг яхши материал;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг яхши фоторепортаж;

- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларида 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабригача қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2013 йил 10 декабригача қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган нуфузли тадбирда эълон қилиниб, тақдирланади.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларида иборат нуфузли ҳайъат томонидан қўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мероз ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриб қилинмайди ва қайтарибмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари журналистлар учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва мен — 2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51. www.mmf.uz, e-mail: info@mmf.uz, fonduz@gmail.uz.

Реклама ва эълонлар

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада).

Жорий йилда корхона раҳбарияти ва касоба уюшма кўмитаси томонидан тузилган жадвалга асосан, меҳнат муҳофазаси бўйича 11 марта амалий-ўқув машғулотлари, 11 марта бош мутахассислар, цех ва хизмат бошлиқлари иштирокида «Хавфсизлик техникаси» кунли ўтказилиб, юқори ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида бошқа корхоналарда юз берган бахтсиз ҳодисаларни ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ижроси таъминланди. Цехларда 32 нафар меҳнат муҳофазаси вакиллари фаолият кўрсатмоқда ва самарадорликни таъминлаш мақсадида маъмурият ҳисобидан уларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Меҳнат муҳофазасини яхши ташкил этиш, ишчи-ҳодимлар учун зарарсиз меҳнат шароитини янада яхшилаш бўйича олиб борилган ишларнинг самараси ўлароқ, 2012 йилда ва 2013 йилнинг ўн ойи мобайнида заводда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисага йўл қўйилмади.

Корхона касоба уюшма кўмитаси меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни ўз вақтида ўтказиб келмоқда. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги хизмати бошлиғи Мустафо Курбонниёзов, муҳандис техник ҳодимлар Сурайт Жумаев, Акмал Бердиев, Акбар Жўраевнинг сая-ҳаракатлари натижасида меҳнат жойларида шикастланиш ёки касб касалликларига чалиниш учрагани йўқ.

Корхона маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси ўртасида ишнинг ижтимоий шериклик тамойиллари асосида йўлга қўйилиши ҳар жабада кўзга ташланади. Хусусан, жорий йилда ҳодимларнинг 1473 нафар фарзанди «Ниҳол» оромгоҳида соғломлаштирилди, шунингдек, корхона ортида бўлган «Меҳрибонлик» уйининг 25 нафар ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 14 нафар фарзанди имтиёзли равишда дам олдирилди. Мавсум жараёнида дам олувчи болалар қалбига маданий меросимиз, тарихий аъёнларимизга, умуминсоний қадри-

ятларга ҳурмат, аждодларнинг ўлмас хотирасига, истиқлол ғояларига чуқур садоқат туйғуларини сингдириш бўйича ижобий ишлар амалга оширилди.

— Меҳнат муҳофазаси бўйича билдирилган ишонч, қолаверса, касабакўм раиси Акрам Ҳамроевнинг Федерациянинг «Ehtimol nishoni»ни олиши, шунингдек, таъсирфуқимиздаги «Ниҳол» болалар оромгоҳи спорт йўриқчиси Илёс Чориевнинг Республика комиссияси томонидан ёзги соғломлаштириш мавсуми якунлари бўйича «Энг яхши спорт йўриқчиси» деб топилгани Обод турмуш йилининг биз учун жуда омадли келгандан далолат беради. Биз бундан бунён

Саодатманд етакчи

ҳам ҳодимлар манфаати йўлидаги ҳайрли ишларимизни изчил давом эттиришга ҳаракат қиламиз, — дейди УШК директори Х.Иноков.

Янги иш ўринлари

Корхона директори таъкидлаганидек, 2013 йил завод учун омадли, ютуқлар йили бўлмоқда. Хусусан, ёқилги-энергетика тизимидаги корхоналарда импорт ўрнини босувчи товарлар ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардор экспортбоқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида инновацион технологиялар жорий этишга алоҳида эътибор берилётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, углеводород хом ашёсига нисбатан ошиб бораётган талабни ҳисобга олиб, унитар шўба корхонасида газдан пропан-бутан аралашмасини олиш мажмуаси бунёд этилди. Учта технологик тизим ва қурилмадан иборат мажмуа лойиҳа қувватига эришгач, бир йилда 12 миллиард куб метр газ қайта ишланиб, 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда маъмур мажмуада 156 нафар ҳодим иш билан таъ-

минланган, шундан 39 нафарини ёш мутахассислар ташкил этади.

Бундан ташқари, корхонада 91 нафар касаначи фаолият юритапти. Улар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш билан шуғулланиб ҳамда этиштирилган маҳсулотлар ҳодимларга имтиёзли равишда тарқатиляпти. Касаначилар ҳам жамоа шартномасида белгиланган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланаётми.

Ёшлар — келажакимиз

Корхона касоба уюшма кўмитаси томонидан касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун корхонага бириктирилишига кўмаклашиш, бунда кам таъминланган

мақсадида байрам саналари арафасида спартакиадалар ўтказамиз, — деди Акрам ака бизга ўтказилган спорт тадбирларидан лавҳаларни тақдим этар экан. — Қолаверса, ҳамкор ташкилотлар билан ҳам муносабатларимиз яхши йўлга қўйилган.

ИЖТМОИЙ ХИМОЯ

— Баъзан ҳодимлар ҳузуримга кириб, «Фалончи санаторида дам олмақчи экан. Ердям беринг», деб қўлишди, — сўзида давом этди Акрам ака. — «Нега ўзи келмади?» деб сўрасам, «Қандай кираман, мени қабул қиладимни, йўқми, деб мендан илтимос қилди», дейишди. — Нега қабул қилмайман. Доимо эшигим очик бўлса. Бориб айтинг,

ўзи келсин, дейман. Ахир дам олмақчи бўлган ҳодим билан суҳбатлашиб, соғлиги ҳақида билиш ва унга мос келадиган сихатгоҳга йўланма бериш лозим-ку. Кези келганда, бир нарсани алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида касоба уюшма бадалларининг 70 фоизи бошланғич ташкилотда, яъни корхонада қолаётгани обурумизга обур қўнди, ишчимизни жадаллаштириб юборди. Ҳодимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдаги имкониятларимиз кескин ошди. Жорий йилнинг ўн ойида ижтимоий сугурта маблағларидан 13 донга, касоба уюшма бюджетидан эса 28 та йўланма тарқатилди, ҳодимлар ўз саломатликларини тиклашди. Имкониятларимиз янада кенгайиб, ҳодимлар хориж сихатгоҳларида ҳам дам олиб қайтишяпти. Масалан, 4-чех хизматчилари Панжи Маманиёзов ва Фарҳод Ҳамроев август ойида хушхаво Ялта шаҳридаги дам олиш масканида хордик чиқаришди.

Болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми якунига етгач, 220 нафардан

зиёё ҳодим заводга қарашли «Ниҳол» оромгоҳида уч кунлик хордик чикарди.

Обод турмуш йилига бағишланган тадбирларга тўхталсам, 183 нафар кам таъминланган ҳодимга моддий ёрдам берилиб, бу мақсадга корхона ва касоба уюшма кўмитаси маблағларидан 13 миллион 746 минг 500 сўм сарфланди. 16 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш, шунингдек, уй-жойлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. Ҳодимларнинг олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган 12 нафар фарзандининг тўлов-шартнома пуллари тўлиқ қоплаб берилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 54 та оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилган бўлса, боласи 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 36 нафар ёш онаго моддий ёрдам кўрсатилди.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

— Корхонамизнинг касоба уюшма кўмитасида 5 нафар ҳодим ишлайди, — мамнуният билан таъкидлади касабакўм етакчиси. — Кўз темгасини, жамоамиз аҳил, яқдил. Олдимиздаги ҳар бир тадбирни бамаслаҳат ташкил этамиз. Мен жуда бахтлиман. Чунки, ажойиб меҳнат жамоасида ишлайман, аҳил оилам бор. Турмуш ўртғоим Гулсарахон бошланғич сўғиш ўқитувчиси. Ота-она уғитлари, сабоқларини ўзлаштирган болаларимиз ҳам жамиятда ўз ўрнини топишмоқда. Катта қизим Хулкархон Тошкент кимё технологиялари институтини тугатиб, касб-хунар коллежида дарс бермоқда. Гулрух Тошкент табиёий академияси талабаси. Юлдуз Тошкент Ислом университетида «Информатика» факультетида таҳсил оляпти. Уғлимиз Мангуберди Тошкент молия институти 1-босқич талабаси. Махлиё эса пойтахтдаги 1-иктидорли болалар мактаби ўқувчиси.

Тилагим, ҳар бир инсон овоз ва обод дёғиримизда фаровон ҳаёт кечирсин. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор, — дея дил сўзларини изхор этади саодатманд касабакўм етакчиси Акрам ака.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабридаги 343-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларнинг легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил 28 октябрдаги 13/1621-13-сонли хати ва СВОЖДЛҚҚД Сурхондарё вилоят Бошқармасининг 2013 йил 8 ноябрдаги 6/209-13-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳар, Т.Мирзаев кўчаси, 120-ўйда сақланаётган қуйидаги автомобиллар қўйилмоқда:

- 1.ВАЗ-2107 русумли, д/р 75/ 230 ААА бўлган, 2003 й и/ч автомашина. Б/ 6 144 178 сўм.
2.ВАЗ-2107 русумли, д/р 75/ 245 ААА бўлган, 2003 й и/ч автомашина. Б/ 6 6 209 178 сўм.
3.ТИКО русумли, д/р 75/ 236 ААА бўлган, 2003 й и/ч автомашина. Б/ 6 6 272 076 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 12 декабр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2013 йил 12 декабрида аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдоси 2013 йил 19 декабр ва 26 декабр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишининг охириги муддати 2013 йил 12 декабр учун 2013 йил 10 декабр, 2013 йил 19 декабр кунлари учун 2013 йил 17 декабр ва 2013 йил 26 декабр кунлари учун 2013 йил 24 декабр куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM ММЧнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилоти, Термиз шаҳри, Ф.Хужаев кўчаси, 32-уй «Тадбиркорлар маркази» биноси. 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОВОД БУЛДИН Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, касоба уюшма кўмитаси ва тарих факультети жамоаси «Тарих» кафедраси ўқитувчиси Дилфўз Обиджоновга онаси Мавлудхона КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Хунар — хунардан унар

Нуқуллик хунардан Несибали Далжоновани Савицкий номидаги Қарақалпоғистон Давлат музейида касб-хунар коллежлари ва академик-лицейлардан келган ёшларга (тикувчиликка доир) сабоқ бераётганида учратдик.

Устоз сабоқлари

— Вақти-вақти билан қизиқувчан кизларга маҳорат дарслари ўтиб тураман, — дейди у.

Несибали опа қарийб йигирма йилдики, халқ амалий санъати билан шуғулланади. Кўпларнинг устозига айланган Н.Далжонова ўзи тайёрлаган ноёб буюмлардан катта коллекция тўплаган.

— Тикиш-тўқишни бумив ва онамдан ўрганганман, — дейди у. — Ранго-ранг рўмонлар, аёлларнинг хилма-хил замонавий либослари, айниқса, қорақалпоқ аёлларнинг «кўк кўйлақлари», никоҳ тўйларида келинлар чиройини янада очадиган буюмларни кўрганимда қувонаман, чунки уларнинг асарияти ўзим ва шогирдларим қўлидан чиққан.

Изаат ХИҚМАТОВ



Тошкент шаҳридаги 8-сонли болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган олимпия захиралари бокс мактабидида 546 нафар ёш 24 нафар мураббий қўл остида бокс сирларидан воқиф бўлмоқда.

— Бокс билан шуғуллана бошлаганимга бир йилдан ошди, — дейди Бехруз Уринов. — Келажақда моҳир спортчи бўлиб, жаҳон ареналарида ватанимиз байроғини баланд кўтаришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Иқром ХАСАНОВ олган суратлар

Реклама ўрнида



«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Тошкент шаҳар филиали маъмурияти билан бирлашган касабга уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатлар белгилаб олинган.

бир қисми меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз иш жойларини яратишга сарфланмоқда. Сўнгги йилларда Бош банк биноси ҳамда Тошкент шаҳар минтақавий филиали биноси капитал

берилган. «Юнусобод» сув хавзасига 1000 дан ортиқ, Банклараро спорт ва соғломлаштириш марказининг сув хавзасига 20 дан ортиқ чипталар имтиёзли берилди. Тизим ходимлари со-

мусобақаларида мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Ҳар йили 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ўзсаноатқурилишбанк» тизими ходимлари фарзандлари ўртасида «Кувнок стартлар» номли кўрик-танлов ўтказилади. Бу йил «Эко парк» номли маданият ва истироҳат боғида банк ходимлари ва уларнинг фарзандлари билан биргаликда «Мен ва менинг оилам — спортчиларимиз» номли эстафета ташкил қилинди.

Қадрлар дастури бўйича режа асосида иш олиб борилаётган. 100 дан ортиқ ёш мутахассисга иккинчи банк мутахассислиги бўйича ўз билимларини ошириши, Тошкент молия институтидида ўқишлари учун шартнома пуллари тўлаб берилди. Ташкилот Тошкент Банк коллежи билан ҳамкорлик ўрнатган. Коллежни имтиёзли диплом билан тугатган талабалар амалиётга тақлиф қилиниб, кейинчалик улар билан меҳнат шартномаси имзоланмоқда.

Эрта бутундан бошланади. Ана шу ҳикматга амал қилинаётгани учун ишлар бароридан келмоқда.

Насиба ИСМАТОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган сурат

Ғамхўрлик — вазифамиз

— «Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар бирлашган касабга уюшма қўмитасига уюшган аъзолари сони 1978 нафарни ташкил этади, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ходимларининг бирлашган касабга уюшма қўмитаси раиси Шуҳратилла Шуқуров. — Обод турмуш йилида муайян ишлар амалга оширилди. Ҳар битта филиал Навоий кўчасида қурилган кўпқаватли уйлاردан ходимларига имтиёзли кредит асосида барча қўлайликларга эга бўлган уй олиб берди.

Соҳа ривожига хизмат қилиш учун филиалларда аъзоларимизга «Хуқуқий билим» ва «Маънавият ва маърифат» соатлари ўтказилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар минтақавий филиалида маънавият ва

маърифат хонаси ҳозирги кун талаблари асосида жиҳозланиб, маънавий ва маърифий йўналишда 500 дан ортиқ адабиётлар билан таъминланган.

Банк ходимларининг маданий ҳордиқ чиқариши учун Ўзбек миллий драма театри спектакллари, Муқимий номли муסיқали драма ва комедия театри, Алишер Навоий номли опера ва балет театри, Рус академик драма театри, Аброр Ҳидоятон номли театр, Ўзбекистон Давлат Оперетта театри, Ўзбек Давлат Консерваторияси, Ўзбек Давлат Циркига, «Истиклол» ва «Туркистон» концерт саройларида бўлиб ўтган концертларга чипталар сотиб олинди, 50 фоизли ёки 100 фоизли имтиёз билан берилди.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб топилган фойданинг маълум



таъмирланди. Спорт майдончалари, банкнинг дам олиш зонаси қуриб битказилди.

Бирлашган касабга уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиб

ғлом турмуш тарзини таъминлаш, иш қобилиятларини ошириш мақсадида Банклар ассоциацияси томонидан ўтказилаётган футбол, стол тенниси, катта теннис, баскетбол, волейбол ва сузиш

(Давоми. Бошланиш 3-саҳифада).

Поп туманидаги Археология музейида асосан Мунчоқтепадан топилган тарихий топилмалар сақланади. Шу ўринда Мунчоқтепа ҳақида маълумот:

1989 йил май ойида туман ҳудудидаги Мунчоқтепа археологик ёдгорликларини қазиб чоғида Марказий Осиёда археология фани қўлга киритган илмий ютуқлар орасида муҳим қимматга эга, гоёт ноёб Поп сағанаси ёки Дану дафинаси деб номланган хазина топилди. Айни шу топилмалар ҳудудда нафақат тикувчилик, тўқувчилик каби хунар турлари, балки кулолчилик, суғрома дехқончилик ва шаҳарсозлик анъаналари ҳам гуллаб-яшнаганини тасдиқлади. V-VIII асрларга оид ушбу ноёб топилмалар орасида уй-рўзгор буюмлари, меҳнат, ов, жанг қуроллари, зеб-зийнатлар, мунчоқлар, кулолчилик буюмлари, қамшидан ясалган муסיқа асбоблари, остодонлар, чирокдонлар бўлиб, мазкур топилмалар Фарғона водийсида ягона, мамлакатимизда иккинчи ҳисобланган Поп туман Археология музейига асос солинишига сабаб бўлди.

Дарвоқе, топилмалар ичида энг кўпи мунчоқлардир. Уларнинг сони 10 минг атрофида. Мунчоқлар қимматбаҳо тошлардан, хайвон суякларидан гоётда моҳирлик билан ишланган. Баъзиларига хилма-хил гуллар солинган. Бундан ташқари, металл (темир, бронза)дан ишланган билакузуклар, сиргалар, узуклар ҳам топилди. Сағаналарда аёллар ўзларига оро беришда иш-

латиладиган сурмадон, упа-элик сақланадиган қутчалар бор. Ҳозирги аёллар тароғидан фарқ қилмайдиган тароқлар, сочга кўрк берадиган тақинчоқлар, шунингдек, топилмалар ичида ҳар хил катталикдаги нақшли ёғоч идишлар, мураккаб камонлар, тарози паллалари, хайвон суякларидан ясалган турли-туман қурол-ас-лаҳа дасталари, ўқ-ёй

бўлақлари, жимжимдор нақш билан безатилган пичоқ дасталари ҳам мавжуд. Сағаналарда қамшидан ясалган кўҳна муסיқа асбоблари, жумладан, қўшна топилди. У ёғочдан қилинган ғилоф ичида жуда яхши сақланган, ҳозирги этнографик қўшнайдан деярли фарқ қилмайди. Шунингдек, кўнчилик, пойабзал тикиш тарихига доир қимматли материалларга эга

бўлинди. Айниқса, чармдан қилинган меш ва пойабзал тикиш қолипи диққатга sazovorдир. Бундай топилмаларни жаҳондаги манаман деган музей ўз кўргазмасига қўйишни орзу қилиши табиий. Аммо...

«Билдим дедим тутилдим...»

2800 дан ортиқ ноёб-нодир экспонатларни ўз бағрига жо қилган музей фа-



ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

Ўзбекистон футбол федерациясига қарашли сунъий майдонларда турли вазирлик ва ташкилотлар жамоалари ўртасида ўтказилган мини футбол бўйича «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кубоги —2013» анъанавий турнири якунига етди.

ИИБ — ФОЛИБ

Турнирнинг оммалашиб бораётганини унда иштирокчилар сони ўсиб бораётганидан ҳам билиб ола сиб бўлади. Дастлабки мусобақада саккиз жамоа голиблик учун кураш олиб борган бўлса, бу галги беллашувларда йигирма тўрт жамоа таркибида 340 га яқин хаваскор тўп сурди.

Финалда Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари жамоалари рўбарў келишти. Учрашувда 2:0 ҳисобида галаба қозongan ИИБ футболчилари кубокни учинчи марта қўлга киритди. Бу уларга кўчма кубокни бундан буён ўзларидида сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳам берди.

Учинчи ўрин эса Олий ҳўжалик суди жамоасини пеналтилар сериясида енгган Ташқи ишлар вазирлиги жамоасига насиб этди. Турнирда ЎзКУФК жамоаси ҳам иштирок этди. Голиб ва сoвриндорлар муносиб тақдирланди.



ФУТБОЛ

Футбол бўйича жорий йилги Олий лига баҳслари ниҳосига етди.

«ҚАЛДИРҒОЧЛАР» — ЧЕМПИОН

Мусобақанинг сўнгги — 26-тури доирасида сафарда «Сўғдиёна» устидан 2:0 ҳисобида галаба қозongan «Бунёдкор» бешинчи бор мамлакат чемпиони деган сарафга сазовор бўлишди.

«Гулистон» ва «Шўртан» Олий лига билан хайрлашган бўлса, «Андихон» ва «Машъал» элитага қайтди.

Яқуний жадвал:

№	Жамоа	Ў	Ғ	Д	М	Т-Н	ОЧКО
1	Бунёдкор	26	19	4	3	59-13	61
2	Локомотив	26	19	3	4	63-21	60
3	Ҳасаф	26	18	4	4	64-27	58
4	Қаҳтакор	26	17	3	6	45-25	54
5	Олмалиқ	26	11	7	8	46-43	40
6	Бухоро	26	10	3	13	33-44	33
7	Металлург	26	10	3	13	36-45	33
8	Динамо	26	8	8	10	28-36	32
9	Нефғчи	26	9	3	14	28-31	30
10	Сўғдиёна	26	8	4	14	34-54	28
11	Навбахор	26	7	6	13	30-48	27
12	Қизилқум	26	8	1	17	28-48	25
13	Гулистон	26	6	2	18	28-62	20
14	Шўртан	26	4	5	17	22-47	17

Музей — маърифий маскан

эътибор ҳам шунга яраша бўлиши керак



Абдуносир ҚУЧҚОРОВ олган суратлар

лияти узоққа чўзилмади.

Поп археология музейига борган кунимиз, бу ердаги ҳолатни тушунтириб бергучи бирорта мутасаддини учрата олмадик. Соҳага тааллуқли инсонлар эса «Отанга бор, онанга бор» қабилида иш туттишти.

Музей олдидида қўй-қўзиларини ўлатиб юрган Севара исмли кизалоқнинг айтишича, уч йилча аввал музейга синфдошлари билан келишган. Уша вақтда қамиш тобут ва бошқа экспонатлар очик аҳволда сақланар, ке-

кўраётир. Мазкур тарихий ашёлар билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзимизга тортиб, шу орқали вилоятнинг туристик имкониятларини кенгайтиришимиз, наҳотки, шунчалар қийин бўлса?!

«Иш билганга имкон кўп, қидирганга баҳона» дейишди. Келажақда фарзандларимиз бизни тарихий топилмаларимизни асрай олмаслиқда айбламасликларини учун ҳам ҳозирдан ҳаракат қилишимиз даркор.

Сўнгги сўз ўрнида

Хорж киножодкорлари томонидан суратга олинган «Музейдаги туш» фильмининг кўргандирсиз. Комедия жанрида ишланган мазкур киноасар чин маънода кўпчилик томошабинларнинг олқишига сазовор бўлган. Гарчи, бу фильм комедия жанрида суратга олинган бўлса-да, унинг тўб мазмун-моҳиятида инсонларни музейларга қизиқтириш, улар ёрдамида узоқ тарих ҳамда ўтмиш ҳақидаги бой таассуротларга эга бўлиш ётади. Бу эса, ўз навбатида, музейнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Биз юксак маънавиятимиз, бой маданиятимиз, қадриятларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бас, шундай экан, музейлар тарихимиз, шавқатли ўтмишимиз, аждодларимизнинг бой ва бетакрор меросидан ҳикоя қилувчи том маънодаги маънавият ўчоғига айланиши керак. Поп туманидаги Археология музейи ҳам тез орада шундай муаззам гўшага айланишига, шубҳа йўқ. Бунда, албатта, мутасадди ташкилотларнинг эътибори муҳим.

Баҳодир МЎМИНОВ, журналист. Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири.

Газетанинг навбатдаги сони 10 ноябр, шанба кун чикади.

<p>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p>	<p>Bosh muharrir o'rinbosari</p> <p>Zayniddin Rixsiyev</p>	<p>2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.</p> <p>ISSN 2010-5002</p> <p>722010500004</p> <p>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.</p>	<p>Bo'limlar:</p> <p>Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p>	<p>Manzillimiz:</p> <p>100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy</p> <p>Nashr ko'rsatkichi:</p> <p>133</p> <p>Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</p>	<p>Navbatchi muharrir:</p> <p>A.Toshev</p> <p>Navbatchi:</p> <p>U.Ibodinov</p> <p>Musahhib:</p> <p>S.Shodiyeva</p> <p>Bosilishga topshirish vaqti—21.00</p> <p>Topshirildi — 22.30</p> <p>E-mail: ishonch2012@gmail.com</p>	<p>Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: N.Abdujalilov</p> <p>«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.</p>
	<p>Tahrir hay'ati:</p> <p>Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboev (Mas'ul kotib).</p>		<p>Viloyatdagi muxbirlar:</p> <p>Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo + 998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.</p>	<p>Buyurtma T —1111</p> <p>13208 nusxada bosildi</p> <p>1 2 3 4</p>		